Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш вазири бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ташрифи бўйича

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Манзил: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги
Сана: 2019 йил 7 март

Бугун Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш вазири Максим Орешкин бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ташриф буюрди.

Ташриф давомида Ўзбекистон-Россия Ҳукуматлараро комиссияси ишчи органлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, муассасалари, тармоқ компаниялари ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазири Ботир Хўжаев ва Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири Максим Орешкинлар олиб боришди.

Тадбирда соғлиқни сақлаш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А. Шодмонов ва Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири В. Скворцовалар чиқиш қилишди.

(Тегишли маълумотлар иловада тақдим этилади)

Агросаноат мажмуаси соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси томонидан қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Хўжаев ҳамда Россия Федерацияси томонидан қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари С. Левин сўзга чиқдилар.

(Тегишли маълумотлар иловада тақдим этилади)

Келгусида самарали ҳамкорликни давом эттириш мақсадида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссияси мажлисларини ўтказишнинг янги формати ва таркибини келишиш бўйича Меморандум имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Ахборот хизмати
71-232-63-48, 71-232-64-99, smi@mineconomy.uz, Telegram: https://t.me/MineconomyUz,
Facebook: https://www.facebook.com/mineconomy.uz/